

## Талабаларга миллий музика фанини ўқитиш моделини замонавий тенденциялари

Қаюмов Жавохир Собикхўжа ўғли  
ТВЧДПИ "Музика таълими"  
Кафедраси ўқитувчиси  
Tel: +998(97),7312037 [j.qayumov@cspi.uz](mailto:j.qayumov@cspi.uz)

**Аннотация:** Мақолада малакатимиз олий ўқув юртлари талабаларини музика таълими фанини ўқитиш ва замонавий таълимнинг моделини яратиш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритилди.

**Таянч иборалари:** Миллий музика, музика таълими фанларининг ўқитиш, инновацион таълим технологиялари, музика маданияти, музика ўқитувчиси тажрибси, малака ва компетентлик.

## TEACHING NATIONAL MUSIC TO STUDENTS MODERN TRENDS IN THE MODEL

Kayumov Javokhirkhuja  
TVCHDPI "music education"  
Teacher of the Department  
Tel: +998(97),7312037  
[j.qayumov@cspi.uz](mailto:j.qayumov@cspi.uz)

**Annotation:** the article focuses on the issues related to the teaching of the subject of music education of students of higher educational institutions of our qualification and the creation of a model of modern education.

**Base phrases:** National music, teaching of Music Education Sciences, innovative educational technologies, music culture, music teacher experience, qualification and competency.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичи том маънода ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболлини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда.

Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлсада, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни

тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижоат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Илим-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий

жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор

ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллаш оingan, бой тажриба ва маҳоратга эга

кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасаларида мусиқа таълими фанларининг ўқитишнинг замонавий тенденциялари ва инновациялари бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Олий таълим тизимида “Мусиқа таълими фанларининг ўқитиш” ўқув модулининг ўқитилаётганлиги бўлажак ўқитувчиларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида ўқитишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиятини изчил ривожлантириб бориш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиш қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди. Айни вақтда “Мусиқа таълими фанларининг ўқитиш” модули олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларини ўқув курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишларига ёрдам беради.

Ўқув модули доирасида тингловчилар мусиқа таълими фанларининг назарий асослари, самарали шакл, метод ва воситалари билан танишади, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларида хабардор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мусиқа таълими фанларининг ўқитиш”нинг замонавий модулининг мақсади: таълим тизимининг ислоҳ қилиниши туфайли унинг мазмунини тубдан янгилашга ва таълим жараёнини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш ҳамда сифат самарадорлигини кўтариш зарур бўлиб қолди.

Мусиқа таълими фанларининг ўқитишда билим заҳираларини яратиш жаҳон амалиёти савиясида ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, педагогик таълим олувчи шахсда мустақил фикрловчи, билимларни мустақил равишда қидирувчи, ахборотлар тўпловчи ва улардан фойдалана олувчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш каби зарур назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини тингловчиларда шакллантириш лозим бўлади.

“Мусиқа таълими фанларининг ўқитиш” модулининг вазифалари:

- замонавий фан ютуқларини амалиётга тадбиқ эта олиши, муаммони ечишга ижодий ёндашиши;
- мутахассислигининг илмий муаммоларини ечишда мустақил қарорлар қабул қила олиши, ҳамда ундан касбий фаолиятида фойдалана билиши;
- фазовий, образли-сиймоли, мантикий тасаввур ва тафаккурни ривожлантириши;
- мустақиллик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик ва бошқа хислатларга эга бўлиши;
- илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ва ҳисоботлар тузишни ўрганиш;
- касбий масалаларни ечишда автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган моделлаш методларини эгаллаши;
- илмий асосларда илмий жамоани бошқара олиши;
- ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари ва методларини

эгаллаши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар
3. стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги
5. “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар
6. иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
7. 3. Педагогика назарияси ва тарихи // Тўхтаўжаева М.Х. таҳрири
8. остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
9. 4. Каюмов Ж .С Теория применение информационно-коммуникационной технологии в образование Муғаллим оғим узликсиз билимлендири №2 2012 1/2 2022 жыл.
10. 5. Mishael Pilhofer and Holly Day “Music Theory for dummies” Indiana
11. USA 2007. Wiley Publishing Inc.